2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

42 (592)

2007 йил 17 октябрь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Махалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ «Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин...»
▶ Янги ҳаёт бўсағасидаги Ҳаётбек

3 ▶ Нон ҳақида эртак
▶ Пора олиб, пушаймон қилди

4 ▶ Жанжалкаш қайнонанинг жазоси
▶ Чапак чалганда ўчадиган телевизор

Расмий хабар

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедовнинг таклифига биноан 2007 йил 18-19 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркманистонда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон—Туркманистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Эрон Ислом Республикасидан қайтаётиб 16 октябрь куни Тошкентда тўхтаб ўтди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Халкаро анжуман

ТАБИАТ, ИНСОН ВА ИСЛОМ

Куни кеча пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом меъморий мажмуасида "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва Тошкент ислом университети ҳамкорликда "Ислом маданиятида табиат, инсон, поклик ва саломатлик масалалари" мавзусида халқаро конференция ташкил этди.

Конференцияда ислом таълимотининг моҳияти, унда тарғиб этилган умуминсоний қарашлар, табиат ва инсон, поклик ва саломатлик борасидаги бой маънавий меросимиздан унумли фойдаланилган ҳолда аҳоли ўртасида табиатни асраб-авайлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва тежаб-тергаш, санитария ва гигиена, соғлом турмуш тарзи ғояларини тарғиб этиш, экологик маданиятни ошириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

"Экосан" халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов анжуманда инсониятнинг табиий бойликлардан тартибсиз фойдаланиши оқибатида келиб чиқаётган экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфти У.Алимов, Тошкент ислом университети ректори Р.Абдуллаев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С.Камран, Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Фатхали ва бошқалар сўзга чиқдилар. Маърузачилар таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро Ислом ташкилоти — ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганини яна бир бор эътироф этиб, аждодларимизнинг ислом маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшганликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Ш.ЭРГАШЕВА, "Mahalla" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

16 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда 2007 йил 12 февралдаги ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Марказий иқтисодиёт вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳисоботларида қайд этилганидек, 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим еттита устувор вазифасини амалга ошириш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар мамлакатни макроиқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларига изчил эришилишини, солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг муваффақиятли бажарилишини, 2007 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ўз вақтида ижро этилишини таъминламоқда.

Республика Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлигининг маълумотларига кўра 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,8 фоизни ташкил қилди. Иқтисодий ўсишга саноат ишлаб чиқариши ҳажмларини 11,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини – 3,5 фоизга, пудрат қурилиш ишларини — 20,4 фоизга, чакана товар айланмасини — 18,4 фоизга, пулли хизматларни 25,2 фоизга кўпайтириш ҳисобига эришилди. Ташқи савдо айланмаси, энг аввало, экспортнинг 41,8 фоиз даражасида ўсиши ҳисобига юқори суръатлар билан кўпаймоқда. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Қулай инвестиция муҳити ва инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитларнинг яратилиши инвестициялар ҳажмининг 31,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2 баравардан ортиқ ўсишини таъминлади. Бир қатор янги йирик саноат ишлаб чиқаришлари, "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линияси, "Зеварда" конида босимли компрессор станцияси ва бошқа объектлар ишга туширилди. Тюбегатан калийли ўғитлар конини ва "Хандиза" полиметалл рудалари конини ўзлаштириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини эркинлаштириш ва солиқ юкини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғини ўтган йилнинг тегишли давридаги 39 фоиз ўрнига 43,1 фоизгача оширишни таъминлади.

Мажлисда қайд этилганидек, ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор муҳим фармонлари қабул қилинганлиги ва амалга оширилганлиги аҳолининг турли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим, кадрлар тайёрлаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида мақсадли умуммиллий дастурларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг янада кучайтирилишини муайян даражада таъминлади. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилди. Биргина "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларга 370 миллиард сўм, шу жумладан, бюджетдан 153 миллиард сўм йўналтирилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида республика ҳукумати мажлиси қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг 2007 йил 30 августда бўлиб ўтган қўшма мажлисида белгиланган асосий вазифаларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, шунингдек республика иқтисодиёти реал сектори корхоналари раҳбарларининг эътибори ишлаб чиқаришнинг барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, 2008 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ривожланиши учун ишончли замин яратиш зарурлигига қаратилди. Шу муносабат билан "Ўзкимёсаноат" (Ғ.Ибрагимов), "Ўзбекенгилсаноат" (Р.Рўзиқулов) давлат-акциядорлик компаниялари, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат-акциядорлик жамияти (Ў.Султонов) раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Ҳар доимгидек, меҳнат ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва аҳоли турмуши сифатини ошириш масалалари мажлис қатнашчилари диққат-эътибори марказида бўлди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Хаитов, Сирдарё (М.Эркаев), Андижон (Ш.Ибрагимов), Навоий (С.Самадов) вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларида касаначиликни, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш мақсадли комплекс дастурлари амалга оширилишининг аҳволи атрофлича таҳлил қилинди. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ шу йилда 490,0 мингга яқин янги иш ўрни, шу жумладан корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича 82 мингта, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 120 мингта иш ўрни яратилди. Қорамол етиштириш билан шуғулланаётган 275 минг фуқарога меҳнат дафтарчалари расмийлаштирилди.

Давоми 2-саҳифада

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бугун халқимиз яна бир катта сиёсий воқеа арафасида турибди. Бу жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ билан суҳбатимиз Президент сайлови ҳамда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатларига оид миллий қонунчилигимизнинг моҳияти ҳақида бўлди.

— Мирзоулуғбек Элчиевич, суҳбатимизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишга оид миллий қонунчилигимизнинг асосий қоидаларидан бошласак...

— Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, сайлов жараёнида жамиятдаги хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари яққол намоён бўлади.

Икки палатали парламентга ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган очиқ ва ошкора сайловлар том маънодаги демократик давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган муҳим воқеалардир.

Кейинги йилларда жамиятда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, омма ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишга қаратилган кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди. Фуқароларнинг онгу тафаккурида чинакам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг муҳимлиги шундаки, ушбу тадбирни амалга ошириш билан халқимиз ўз олдига қўйган мақсадларига, қабул қилган Конституциясига, демократик жамият қуриш борасида амалга ошираётган ислоҳотларига содиқлигини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намойиш этади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир 30 дан ортиқ халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги ва улардаги асосий принциплар миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга бўлган муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Давоми 2-саҳифада

"Бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи галда, меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлик даражасининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан ажралиб туради."

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригидан

Тошкент вилояти

Янгийўл туманидаги "Фарҳод-Юнус" фермер хўжалиги тасарруфидаги 29 гектар майдонга экилган пахта ҳосили бу йил ҳар доимгидан баракали бўлди.

— Чаноқларидан тошиб турган пахталарни кўриб кишининг завқи жўшиб, ғайрати ўн чандон ортади, — дейди илғор теримчи Ҳамида Боймирзаева (суратда). — Шахсан ўзим кунига 100 килограммдан ошириб пахта термасам, кўнглим жойига тушмайди. Даламизда ҳосилнинг чўғи баланд, меҳнатимиз маҳсулининг бир мисқолини ҳам увол қилмай, йиғиштириб оламиз.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

"ЯНГИ АВЛОД" кашф этган иқтидорлилар

Президентимиз ёшлар истиқболига катта умид боғлаб "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деб таъкидлайдилар. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда мамлакатимизда уч йилдан бўён «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Янги авлод" республика болалар ижодиёти фестивалининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Республикамиз ёшлари ҳаётида ўзига хос воқеа бўлиб келаётган бу тадбир шу давр ичида 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган юзлаб иқтидор соҳибларини кашф этди.

* * *

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида жойлашган Санъат коллежида фестивалнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда 700 нафарга яқин ўғил-қиз мумтоз, вокал, миллий чолғучилик, рақс, шеърият ҳамда тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича беллашди. Иштирокчиларнинг 27 нафари фестивалнинг республика босқичига йўлланма олди.

Иқтидорли ёшлар ижросидаги катта концерт дастури ҳамда ёш мусаввирлар ижод намуналари намойиш этилган кўргазма тадбир иштирокчилари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.

* * *

"Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг Жиззах ва Сирдарё вилояти вакиллари ўртасида ҳам ҳудудий босқич кўриги якунланди.

Жиззах шаҳридаги Ёшлар марказида ўтган фестивалда ҳар икки вилоятдан 873 истеъдодли ўғил-қиз шеърий ва насрий машқларини, тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги ижодий ишларини, ижрочилик маҳоратини кўрикдан ўтказди.

— Мен олдинги фестивалларда ҳам ҳайъат аъзоси сифатида қатнашганман, — дейди Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси Раҳматулла Саримсоқов. — Бу гал иштирокчилар сони кўпайиши билан бирга уларнинг ижодий салоҳияти ҳам йилдан-йилга ўсиб бораётганига гувоҳ бўлдим. Бу тадбир ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу куни Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театрида фестиваль иштирокчиларининг гала концерти намойиш этилди.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Бу йил пахта ҳосили ҳар йилгидан баракали бўлди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Я» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна бошланди.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Бухоро вилояти

МАСЛАҲАТЧИЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда "Ойдин Нури" кризис маркази ҳамкорлигида "Маҳалла" жамғармаси шаҳар ва туман бўлинмалари маслаҳатчилари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Маълумки, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича йиғин маслаҳатчиси штати маҳалла тизимида нисбатан янги жорий этилган лавозим бўлиб, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқимизга ёт бўлган иллатларнинг олдини олиш, тўй ва бошқа маросимларни ихчам тарзда ўтказилишини таъминлаш, ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом камол топтиришга кўмаклашиш каби кенг қамровли масалалар маслаҳатчининг асосий вазифалари ҳисобланади. Шунингдек, жойларда ана шу лавозимда ишловчи ходимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга иш жараёнида кўмаклашиш мақсадида жамғарманинг бўлинмаларида ҳам яқиндан бери маслаҳатчи лавозимида ходимлар иш юритмоқда.

Семинарда тингловчиларга "Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида маҳалла маслаҳатчиларининг вазифалари", "Бағрикенглик тушунчаси ва унинг асосий тамойиллари", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар", "Диний ва миллий урф-одатлар" мавзуларида маърузалар ўқилди. Шунингдек, маслаҳатчилар кундалик фаолиятининг асосини ташкил қилувчи фуқаролар билан муомала қилиш, уларнинг мурожаатлари мазмунмоҳиятини чуқур ўрганиб, кўнглига йўл топа олиш ва муаммоларини ҳал қилишда кўмаклашиш каби масалалар юзасидан ҳам амалий маслаҳатлар берилди.

— Мазкур семинар-тренинг давомида фаолиятим учун ниҳоятда зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштирдим ва улардан амалда кенг фойдаланаман, — дейди жамғарманинг Когон тумани бўлинмаси маслаҳатчиси Бону Комилова. — Бундан ташқари, бу каби тадбирлар маслаҳатчиларнинг ўзаро тажриба алмашишига ҳам имкон яратади.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

ҚЎШАЛОҚ ТЎЙ

Андижон шаҳридаги 2-сонли маҳалла фуқаролар йиғинида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир Шаҳнозахон ва Ҳаётбек Назаровларнинг никоҳ тўйига уланиб кетди. Келин-куёвга тантанали равишда шаҳар ФҲДЁ бўлими томонидан никоҳдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома топширилди. Шунингдек, кечада серфарзанд оилалардан бирининг фарзанди — Камронбекнинг хатна тўйи ҳам ўтказилди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, шу куни Истиқлол тенгдошлари бўлган 4 нафар ёш фуқаролик паспортига эга бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлинмаси масъул ходими Собиржон Турдиев ва бошқа маҳалла фаоллари кечани ташкил қилишда ҳомийлик қилгани учун "Мафтуна" кафеси ва ҳудуддаги 65-савдо дўкони жамоасига ҳамда Рустамжон Йўлдошев, Жамолиддин Абдусаломов, Абдуллажон Исмоилов каби тадбиркорларга миннатдорчилик билдиришди.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Муҳокама давомида таъкидланганидек, муҳим ижтимоий вазифа сифатида иш билан банд этиш муаммосини ҳал қилиш тадбиркорликни, энг аввало, хусусий бизнесни ривожлантириш учун мумкин қадар қулай шарт-шароитлар яратишга, шу асосда аҳоли фаровонлигини изчил оширишни таъминлашга муайян даражада боғлиқдир.

Мажлисда қайд этилганидек, куз-қиш даврига ўз вақтида ва пухта тайёргарлик кўриш иқтисодиётнинг барча соҳалари муваффақиятли ишлаши, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун замин ҳисобланади. Мажлис арафасида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг, иссиқлик ва сув таъминоти корхоналарининг фаолиятини, улар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг аҳволини, кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифати учун ходимларни рағбатлантиришнинг аниқ-равшан механизми жорий этилишини ўрганиш шуни кўрсатдики, жойларда ўтган йилларда йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик, аҳолини иссиқлик, газ ва тегишли маиший шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминлаш учун аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, Бош вазир ўринбосарлари Н.Хонов, Э.Шоисматов, вазирликлар ва идоралар, бир қатор вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларида камчиликлар, ҳал этилмаган муаммолар очиб ташланди, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ва уларни бажариш муддатлари белгиланди: Қиш даври учун сифатли ва турли мева-сабзавотларни ғамлаш ва уларни аҳолига мақбул нархларда сотиш бўйича вазифалар айниқса маҳаллий ҳокимият органларининг ўз вақтида ҳал этишини талаб қиладиган муҳим масалалар сифатида белгиланди.

Бугунги кунда иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва умуман республикани изчил юксалтиришни ахборотлаштиришсиз, ахборот-коммуникация технологияларини, почта ҳамда телекоммуникациялар тармоқларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантирмасдан тасаввур қилиш мумкин эмас. Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов, Давлат солиқ қўмитаси (Э.Гадоев), Халқ таълими вазирлиги (Т.Жўраев), "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси (Ф.Сагдуллаев), Навоий кон-металлургия комбинати (Н.Кучерский) раҳбарлари ҳисоботларида ушбу соҳадаги ишларнинг аҳволи танқидий таҳлил қилинди.

Кун тартибидаги ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари ва Аппарати департаментлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларига муфассал таҳлил қилиш асосида бошқарув органларида, банк ва молия тизимларида, иқтисодиёт тармоқларида ва соҳаларида, қишлоқ жойларда, йирик ишлаб чиқаришларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш мезонлари ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Ушбу чора-тадбирлар 2007-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асоси бўлиши керак.

Ҳукумат мажлисида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлиги масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Республикамиз пахтакорлари томонидан 3,6 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси тайёрланди ва пахта йиғим-терими давом этмоқда. Мева-сабзавот ва узумдан яхши ҳосил етиштирилди. Уларни қайта ишлаш бўйича агрофирмалар тармоғи ривожланмоқда. Қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларнинг тизимли амалга оширилиши натижасида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш таъминланмоқда. Буни бир қатор вилоятлар фермерларининг ўзлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти билан бўлган учрашувларда алоҳида таъкидлашди.

Ушбу суҳбатлар чоғида қўйилган вазифаларни бажаришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда аграр секторда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вилоятлар ҳокимликлари, республиканинг тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳисоботларининг асосий мавзуси бўлди.

Шу билан бирга, пахта йиғим-терими мавсумини тугаллаш, кузги дон экинлари экишнинг мақбул агротехника муддатларида ўтказилишини таъминлаш ҳамда 2008 йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида ерларни шудгорлашни сифатли ўтказиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги муҳокама қилинган масалалар юзасидан республика ҳукуматининг мажлиси қарори қабул қилинди. Унда 2007 йил учун белгиланган энг муҳим устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда 2008 йилнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, марказий иқтисодиёт идоралари, барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг асосий вазифаси эканлиги қайд этилди.

(ЎзА)

Тилга эътибор — элга эътибор

ТИЛИМИЗ — ТАҚДИРИМИЗ

21 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонуни қабул қилинганига ўн саккиз йил тўлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг сиёсий ва маданий ҳаётида янги саҳифа очди. Боиси, давлат том маънода мустақил бўлиши учун ўз тилига ҳам эга бўлиши лозим.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, она тилимизга эътиборнинг кучайиши энг аввало ўқув муассасаларида тил ва адабиёт фанларининг ўқитилишида намоён бўлди. Илгари мактабларда она тили дарсларига жуда кам соат ажратилган бўлса, эндиликда у йиллик дарс режаларидаги ўқув соатларининг салмоқли қисмини ташкил этади. Бундан ташқари, олий ўқув юртларидаги турли мутахассисликлар бўйича қўлланмалар ҳам ўзбек тилида ёзила бошланди. Давлат муассасаларида иш юритиш ўзбек тилида олиб борилмоқда.

Бугунги кунга келиб хорижда ҳам ўзбек тилининг мавқеи тобора юксалиб бораётгани қувонарли ҳол. Вашингтон университетининг профессори Илза Лауде Сиртуас она тилимизнинг тадқиқотчиси ва тарғиботчиси сифатида хорижлик талабаларга ўзбек ва қадимги туркий тилдан сабоқ беради. Бундан ташқари, ёзги таътил даврида америкалик ёшлардан гуруҳлар тузиб, уларга ўзбек тили ва адабиётини ўргатиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Илза хонимнинг тил ўргатиш бўйича Ёзги дастурлари доирасида минглаб америкалик ёшлар ўзбек тилини қизиқиб ўрганишди. Миллий маданиятимиз ва тилимизга бўлган эътибори учун Юртбошимиз Илза хонимга мактуб йўллаб, миннатдорчилик билдиргани ҳақида таниқли ёзувчи Муҳаммад Али ўзининг "Мен кўрган Америка" номли асарида маълумот берган. Берлин университетининг профессори Ингеборг Балдауф ва олмон шарқшуноси Аннамари Шиммелни ҳам ана шундай фидойилар қаторига қўшишимиз мумкин.

Инсоният тарихида тилнинг беқиёс аҳамиятга эга эканлиги Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" китобидан олинган иқтибосда ҳам ёрқин кўринади. Китобда Чор Россияси генерали Скобелевнинг қуйидаги сўзлари келтирилади: "Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди".

Дарҳақиқат, ўз тилидан, тарихи ва маданиятидан мосуво этилган инсоннинг манқуртдан нима фарқи бор?

Ҳа, тил буюк қудратга эга бўлган мўъжизалардан бири. Ахир мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий "Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин" деб бежизга мисралар битмаган. Биз беқиёс луғат бойлигига эга бўлган ва маънонинг энг нозик қирраларигача аниқ ифодалашга қодир она тилимиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Тошкент шаҳри

Ҳисобот-сайлов конференцияси

ТАШАББУС ҚУЙИДАН ЧИҚСА...

фаолиятда самарадорлик ошади

Маълумки, жойларда "Маҳалла" жамғармаси бўлимларининг охирги беш йиллик фаолияти сарҳисобига бағишланган ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Уларда қўлга киритилган ютуқлар қаторида, ўзини ўзи бошқарув тизимини янада ислоҳ этиш, шу билан биргаликда йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни ҳал этиш йўллари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жумладан, жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам шу каби масалалар муҳокама этилди.

Конференцияда ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган хайрли ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, кейинги беш йил мобайнида жамғарманинг шаҳар бўлими томонидан давлат дастури ва бўлим иш режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 539 миллион 894 минг сўм маблағ сарфланди. Ҳомийлар ва жамғарма бўлинмалари ҳисобидан турли байрам ва тадбирларда кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногирон ва етимларга 2 миллард 105 минг сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда турли миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

— Йўлакбоши яхши ишласа, уйбошига шунча кам юмуш қолади, ўз навбатида уйбоши ўз вазифасини пухта бажарса, маҳалла фуқаролар йиғини раисига фаолиятда енгиллик туғилади, — дейди йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳри ҳокими ўринбосари Низомиддин Бахтиёров. — Демак, маҳаллалар фаолиятида самарадорликни янада ошириш учун ташаббус қуйидан чиқиши керак.

Таъкидлаш лозимки, кейинги пайтда маҳалла оқсоқоллари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг билим ва малакасини, иш тажрибасини ошириш мақсадида ташкил этилаётган ўқувлар ўз самарасини бера бошлади. Жойларда маънавий-маърифий масканлар сонининг ошиб бораётгани, жумладан, шаҳарда 399 та маънавият хоналари ва 142 та маҳалла кутубхоналари ишлаб тургани ҳам қувонарли ҳол. Шунингдек, эътиборга молик яна бир жиҳат — сўнгги беш йил ичида 62 та маҳаллада янги гузарлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Албатта, маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчиларининг малакасини оширишга қаратилган ўқувлар ташкил этаётганимиз жуда яхши. Аммо йиғинда ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳисоб-китоб ишларини юритиш каби асосий ва масъулиятли ишларни ким бажаради? Албатта, маҳалла котиблари. Шундай экан, нега уларнинг малакасини оширишга етарлича эътибор қаратмаяпмиз?! — деди тадбирда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев тизимдаги мавжуд муаммолар хусусида тўхталар экан. — Бундан ташқари, маҳалла посбонлари сардорининг тарғибот-ташвиқот йўналишидаги вазифалари кўп ўринларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг функциялари билан жуда ўхшаш. Демак, келгусида уларнинг ҳам малакасини оширишни эътиборимиздан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ҳам иштирок этди.

Конференция давомида бошқарув ҳайъати ва тафтиш гуруҳи аъзолари таркиби қайта тузилиб, бўлим бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажариб турган Жамолиддин Шоҳакимов бошқарув раиси этиб сайланди.

МУХБИРИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ – ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат. Марказий сайлов комиссиясининг бутун фаолияти сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга йўналтирилган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан 2007 йил 23 декабрда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди. Унга мувофиқ сайлов округларининг сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати ва округ сайлов комиссиялари жойлашган манзиллар Марказий сайлов комиссияси томонидан 9 октябрга қадар эълон қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар. Ушбу қонуннинг мазкур моддасига мувофиқ Президентликка номзодларнинг умумий сони чекланмаган.

Сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Куни кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 14, 24[1]-моддаларига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳининг рўйхати марказий матбуотда эълон қилинди.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинган номзодлар ҳақидаги маълумотларни 23 ноябргача эълон қилади.

Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан бир нафардан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчилар овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида 13 декабрга қадар хабардор қилинадилар. Марказий сайлов комиссияси фуқароларни ўз фаолияти ҳақида, сайлов комиссияларининг ташкил этилиши, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилади. Президентликка номзодлар хусусидаги, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилади.

— Сайлов жараёнида ижтимоий сўровларнинг маълумотлари тарқатиладими? Сайловчилардан улар кимга овоз берганликларини сўраш мумкинми?

— Бунга йўл қўйилмайди. Чунки бу овоз беришнинг яширинлиги принципи ва сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларига зиддир.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида ва овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади.

— Ҳуқуқшуносларнинг, халқаро экспертлар Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари мукаммал тарзда кафолатланганлигини эътироф этишади. Буни нималарда кўриш мумкин?

— Конституциямизда, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонунда, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Муҳими шундаки, айнан "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (1994 йилда қабул қилинган) қонун кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда мавжуд ва унинг қоидаларига юртимизда тўла амал қилинади. Мазкур Қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига оид барча умумэътироф этилган қоидаларни ўзида акс эттирган. Хусусан, Қонунга мувофиқ, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир. Улар ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган масалалар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодлар бўйича ташвиқот юритиш ҳуқуқига эга.

Муҳим кафолатлардан яна бири Қонуннинг 21-моддасида аниқ ифодаланган. Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди агитациясини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш тақиқланади. Бундай ишларни қилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

— Сайловда илк бор иштирок этувчи сайловчиларга сайлов ҳуқуқларини тушунтириш юзасидан Марказий сайлов комиссияси қандай ишларни амалга оширишни назарда тутган?

— Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги сайловчиларнинг умумий сони ўн олти миллион икки юз тўқсон етти минг тўрт юз кишидан зиёд. Ўн саккиз ёшга тўлган ва сайловда биринчи марта иштирок этадиган сайловчилар сони 2 миллионга яқин, биз улар ҳақида аниқ маълумотларни тўплаяпмиз. Чунки 19-20 ёшлилар ичида ҳам кўпчилик бу сайловда биринчи марта ўз конституциявий сайлов ҳуқуқларини амалга оширади.

Айтиш мумкинки, сайловчиларнинг, хусусан, сайловда илк маротаба иштирок этадиган ёшларнинг сайлов тўғрисидаги билимини ошириш Марказий сайлов комиссиясининг доимий эътиборида бўлиб келган. Сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларига доир оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларимизда, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда ўтказиладиган мулоқотларимизда асосий эътиборни сайлов қонунчилигининг моҳиятини кенг оммага, хусусан ёшларимизга етказишга қаратамиз.

Бу борада турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, ўқув юртлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу галги сайлов жараёнида мазкур ҳамкорликни янада жонлантириш, самарадорлигини ошириш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан барча чоралар кўрилади.

— Округ ва участка сайлов комиссияларини ташкил этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 3 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида сайлов округларини ташкил қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чегаралари доирасида ташкил қилинди ҳамда уларга ном ва тартиб рақами берилди. Шу билан бирга, сайлов округларининг рўйхатлари, сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ахборот матбуотда эълон қилинди.

Энди биз округ сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаб, фаолиятини йўналтириб борамиз. Бундан ташқари, округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларининг ташкил қилинишини, алоҳида жиҳозланган бинолар, зарур техник воситалар билан таъминланишини назорат қиламиз.

Қисқа айтганда, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини миллий қонунчилигимиз талаблари доирасида юксак даражада ўтказиш учун барча чора-тадбирлар, ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

ЎзА мухбири Ғулом МИРЗАЕВ суҳбатлашди.

Бугуннинг ғапи

Бухоро вилояти

ДОНИ БОРНИНГ НОНИ БОР

Дастурхонимизнинг тўкин-сочинлиги, кўнглимизнинг хотиржамлиги бир жиҳатдан энг азиз неъмат ҳисобланган нон билан боғлиқ. Халқимизнинг нонга эҳтироми жуда улуғ: бир ушоғи ерга тушса, уни кўзимизга суртиб, лабимизга босиб ардоқлаймиз. Нуронийларимиз ёшларга "Увоғини ҳам увол қилма", дея ўгит беришади. Рўзғоримиз файзи, дастурхонимиз кўрки, деб атаймиз нонни. Узоқ юртларга борсак, ўзимизнинг нон таъмини соғиниб қайтамиз, унинг иси димоғимизга нақадар хуш ёқади...

Яратганга шукроналар бўлсинким, бугун донимиз мўл, демакки, нонимиз ҳам бисёр. Бу сўзларни комил ишонч, чексиз ғурур билан айта оламиз. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистонда ғалла мустақиллигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар эвазига ғоят қисқа муддатда кўзлаган мақсадимизга етдик. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ юртимиз ғалла мустақиллигига эришди.

Маълумотларга кўра, 1991 йилда республикамиз бўйича бор-йўғи 940 минг тонна ғалла йиғиштириб олинган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилга келиб 6 миллион 250 минг тоннани ташкил этди. Ёки 1989 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ўрта ҳисобда 35,1 кг ғалла тўғри келган бўлса, бу миқдор жорий йилда 238,8 кгга етди.

Вилоятимиз бўйича 2006 йилда барча деҳқон хўжаликларида 24,5 минг гектардан ортиқроқ майдонга ғалла экилиб, ундан 191 минг тонна, яъни ҳар гектар ердан 68 центнердан ҳосил етиштирилди. Кўплаб бободеҳқонларимиз ўз томорқаларидан 75-85 центнердан ғалла ҳосили олиб келяпти.

Азал-азалдан ҳам аждодларимиз ўз томорқа ерларида ғалла экиб, олинган ҳосилдан тегирмонларда ун торттириб, ширмой нонлар пишириб истеъмол қилишган. Ўз дон-дунига эга бўлиш халқимизга хос бўлган одат. Ғалла мустақиллигига эришиш йўлида Президентимиз халқимизга хос бўлган бу жиҳатни ҳам эътибордан четда қолдирмасдан, қишлоқ ҳудудида яшайдиган ҳар бир оилага 5 сотиҳдан 35 сотиҳгача қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақида тегишли қарорга имзо чекди. Мазкур қарор ҳаётга татбиқ этилиб, бугун қишлоқ жойларда яшайдиган ҳар бир оила қўшимча томорқа ерига, айтиш мумкинки, ўз рўзғорида дон захирасига эга. Вилоятимизда ҳам 48 минг гектар ер фуқароларга қўшимча томорқа сифатида ажратиб берилган.

Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд номли қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шариф Бектошев 21 сотиҳдан иборат қўшимча томорқасига дон экиб, 1,5 тонна дон олишга эришган. Жондорлик Даврон Раҳмонов эса 25 сотиҳдан иборат қўшимча томорқасидан 2,5 тонна дон йиғиштириб олди. Шофирконлик Шавкат Нуров оиласи эса 11 сотих ерга дон экиб, 77 центнер ғалла ҳосили етиштирди. Бу фуқаролар ўз эҳтиёжидан ортиқча донни бозорда сотиш ва такрорий экиш ҳисобидан оиласи учун тузуккина даромад келтиришга эришаётгани қувонарли ҳол. Энг эътиборлиси, ўз томорқасидан самарали фойдаланиб, салмоқли даромад эгаси бўлаётган бундай юртдошларимиз талайгина.



Маълумки, ғалла кеч кузда экилади. Ёз фасли бошланиши билан йиғиштириб олинади. Ғалладан бўшаган томорқада такрорий экин экиб, ундан ҳам ҳосил олиш имконияти бор. Бундан ташқари, ғалладан олинадиган сомон чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳамдир.

Айни кунда барча фуқаролар йиғинлари ҳудудида маҳалла оқсоқоллари, тажрибали деҳқонларимизни жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида қўшимча томорқаларда бошоқли дон экиш самаралари хусусида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Беҳбуд ЖУМАЕВ,
Бухоро вилояти Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Ўтган йили маҳалламизга бир юк машинаси оралаб, буғдой сотиб келди. Кимдир янги буғдой экан, яна кимдир дони тўқ экан, деди, хуллас, савдогарлар машинасини бўшатиб, буғдойини пуллаб кетишди. Кейин маълум бўлишича, буғдойга майда тош аралаштириб сотилган экан. Доннинг ҳар тоннасига фалон миқдорда тош аралаштириб сотиш фойда кўришнинг бир усули эмиш. Эринмаганлар буғдойнинг ичидан тошни битталаб териб олди, имкони бўлмаганлар молларига емиш қилди, билмасдан тегирмонга торттириб қўйганлар эса "Чайнаганда тоши тишда ғичирлаяпти, соғлиққа зарар", дея унни исроф қилди. Натижада, баъзи олиб-сотарларнинг ҳакалак отган нафси туфайли тонналаб буғдой истеъмолга яроқсиз бўлиб қолди.

"ОҚ ОТнинг ХУРЖУНИ ТЎЛА НОН БЎЛАДИ..."

Албатта, биз нонни эъзозлаш деганда фақатгина тайёрини авайлашни эмас, балки уни нон ҳолига келгунга қадар ҳам қадрлаш кераклигини тушунишимиз лозим. Тош аралаштирилган буғдойни пуллаб, қочиб қолиш мумкиндир, аммо уннинг уволидан, элнинг қарғишидан қочиб қутилиб бўлармикан?!

Бундан ташқари, эътибор қаратишимиз лозим бўлган яна бир жиҳат бор. Ҳаммамиз ҳам рўзғорга бозор-ўчардан ун сотиб оламиз. Гоҳида харид қилган унимизнинг сифати бузилган чиқади. Табиийки, уни истеъмол қилиб бўлмайди. Бир қоп ундан неча дона ширмой нон пиширилишини, уннинг сифати бузилгани боис қанча исрофгарчиликка йўл қўйилаётганини тасаввур қилиб кўринг-а! Маҳсулотнинг сифати ёмонлигини билганимиз заҳоти сотувчига қайтариб, муддати ўтмаган унга алмаштириб келишимиз ҳам мумкин, бироқ нима бўлганда ҳам, бир қоп ун зое кетяпти-ку. Уннинг сифати бузилишига унинг омборларда сотилмасдан қолиб кетиши ёки яхши сақланмаганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Албатта, кўпчилигимиз бир бурда нон топилмаган оғир кунларнинг заҳматини кўрмадик, кўрмайлик ҳам. Бу улуғ неъматни авайлаш борасидаги амалларимиз замирида эса кўпни кўрган боболаримиз, момоларимизнинг ўгитлари, тажрибалари ётади. Нонни улуғлигини эслатиб турадиган, уни эъзозлашга ундайдиган қарияларимиз эса ҳамма хонадонларда ҳам бор бўлмаса-чи? Шундай ҳолда ота-оналаримиз, маҳалладаги ёши улуғ оқсоқоллару устозларимизнинг насиҳатлари асқотади.

Шубҳасиз, дон ва нонни исроф қилмаслик борасида бувию буваларимиз бизга ўрнак бўлишади. Аниқ эслайман, бир гал уйимиздан бир сиқим буғдой олиб, чумолиларнинг уяси атрофига тўкиб қўйдик-да, уларнинг буғдой доналарига ёпишганча, бор кучини ишга солиб уяси томон судрашини мароқ билан кузата бошладик. Шу пайт бувам келиб қолди. Биздан нима қилаётганимизни сўраганда, чумолиларнинг шаҳд билан меҳнат қилаётганини томоша қиляпмиз, дея жавоб қилдик. Шунда бувам:

— Бу сизларга томоша бўлдими, болаларим, — дея куйиниб гапирди. — Йўқчилик йилларида мен ҳам шу чумолиларга ўхшаб буғдой терганман. Ўшанда сизлар каби бола эдим. Биз териб келган донни онамиз ёрғичоқда эзиб, қозонда атала пишириб берарди... Буғдойни исроф қилманглар, чумолиларга ҳам Худо насиба беради.

Нонни эъзозлаш тўғрисида бирор гап эшитганимда момом сўзлаб берган аччиқ ҳақиқатлар бот-бот эсимга тушиб кетаверади. Айтишича, машъум уруш йиллари экан. Бувамни урушга олиб кетишган, момом иккита ёш боласи билан қолган.

— Бир неча кун давомида оч-наҳор, бир бурда нонсиз қолдик, — деганди момом. — Гўдакларимнинг "Нон беринг!" дея йиғлаганини эсласам, ҳали-ҳануз этим жимирлаб кетади. Уларни бағримга босиб, эртак айтиб берардим: қадим замонларда одамларнинг бошига оғир кун тушганда осмондан бир оқ от тушиб, ночорларга, нони йўқларга ноз-неъматлар улашар экан... Ҳали ўша оқ от қанотларини қоқиб, осмондан тушади, болаларим. Унинг хуржуни тўла нон бўлади... Ушбу эртак асосида улар ширин хаёллар суриб, ухлаб қолишарди...

Буларни эшитиб, бугунги дориломон кунларимизга шукрона айтамиз. Бува-момоларимиз бошидан кечирган кўргуликлар бугунги авлодга сабоқ бўлиш учун етиб ортади. Ҳатто, ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам уйида ортиқча буғдой сақлаган кишилар сиқувга олиниб, дон-дуни мусодара қилингани ҳақида кўп бор эшитганмиз. Шундай экан, бу воқеликлар нафақат катталарни, балки ёшларни ҳам энг улуғ неъматимиз — нонни эъзозлашга, унинг ҳар ушоғини кўзимизга суртиб, асрашга ундаши тайин.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Олам турфа

ҚАСОСКОР МУШУК

Брянсклик Любовь Курчатова Венера лақабли мушугининг болаларини она мушук кўчада юрган пайтида сувга чўктириб юборди. Бироқ Венера буни сезди.

Шунинг учун ҳам Любовнинг қўлидан овқат емай қўйди, ёнига умуман йўламади ҳам.

Бир куни Курчатова 5 ёшли ўғлини бир шапалоқ урди, шунда мушук Любовни юзига сапчиди ва тимдалай бошлади. Любани мушук чангалидан эри зўрға ажратиб олди. Бу қилмиши учун қасоскор мушук хонадондан ҳайдалди.

2 СОАТУ 27 ДАҚИҚАДА

Польшанинг Калиш шаҳрида 13 йилдан бери чекувчилар клуби фаолият кўрсатиб келмоқда.

Клуб вакиллари трубкада узоқ чекиш бўйича мусобақа ўтказишди. Унда Р.Каминовекий деган кашанда ғолиб чиқди. У битта трубкадаги тамакини 2 соату 27 дақиқада "зўрға" чекиб тугатди.

УЧ СОАТГА ЧЎЗИЛДИ

Намибия пойтахтидаги ветеринарлар сувда ва қуруқликда яшовчи тошбақани роппа-роса уч соат операция қилишиб ҳаётга қайтаришди. Унинг ичига қум тўлиб қолган эди.

Дўхтирлар аввал тошбақа косасини тешиб, "дераза" очдилар, сўнг ичакни тиббий йўл билан ювишди. Бу ишларнинг бари тошбақага наркоз берилгандан сўнг бажарилди ва муваффақиятли якунланди.

Муносиб тақдирланғанлар

Сурхондарё вилояти

ТЕЛПАКЧИНОРЛИК ТАШАББУСКОР

У йиғин ҳудудидаги маҳаллалар аҳолисининг дарду ташвиши билан яшайди

Телпакчинор Узун туманидаги йирик қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бири. Мана, тўққиз йилдирки, йиғинга Ўктам Йўлдошев бошчилик қилиб келмоқда.

Ўктам ака ташаббускор, тиниб-тинчимас инсонлар тоифасидан. У асли ўқитувчи бўлгани учун ҳам оқсоқоллик фаолиятида оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйган. Йиғин ҳудудидаги 15 та мактаб, 6 та мактабгача тарбия муассасаларига алоҳида эътибор билан қараб, уларга ҳомийлик ёрдамларини уюштиришда ташкилотчилик қилади.

Телпакчинорда аҳолининг 93 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Ўтган йили Истиқлол ва Гулистон маҳаллаларидаги 250 та хонадонда зангори олов ёнди. Айни пайтда Узунқишлоқ, Новобод, Гулистон қишлоқларига газ қувурлари тортилиб, хонадонларга бир йўла газ ҳисоблагич ускуналари ҳам ўрнатилмоқда.

Қишлоқ йиғини ҳудудидаги 64 та кам таъминланган оила ва эҳтиёжманд фуқаролар ижтимоий ҳимояга олинган.

— Қишлоғимизда ишсизлик муаммоси деярли бартараф этилган, — дейди Ўктам Йўлдошев. — Буни аввало, марказий шифохона, халқ таълими бўлими, "Қорашиқ машъали" савдо ишлаб чиқариш корхонасининг йиғин ҳудудида жойлашгани, қолаверса, янги-янги иш ўринлари яратиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси билан изоҳлаш мумкин. Масалан, Телпакчинорда сўнгги икки йил ичида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси учтага кўпайиб, 15 нафар киши иш билан таъминланди. Маҳалла гузарлари таркибида ташкил этилган савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларида 20 нафардан ортиқ йигит-қиз ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Яқинда ишга туширилган донни қайта ишлаш корхонасида эса 40 нафар фуқаро муқим иш ўрнига эга бўлди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширяпмиз.

Ўктам ака болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта куч ва меҳнат сарфлади. Бунда Давлатой Менгқулова, Абдурасул Муродов, Ҳусниддин Хўжаев, Сафарали Файзалиев каби маҳалла оқсоқоллари унга яқиндан ёрдам беришди, қўллаб-қувватлашди. Қорашиқ маҳалласидаги замонавий спорт майдони қурилишида ҳамжиҳатлик қўл келди. Бу ерда спорт мактаби ташкил этилиб, тажрибали мураббийлар спортнинг бир неча тури бўйича машғулотлар олиб боришмоқда. Дарвоқе, ушбу иншоотнинг ишга туширилиши қўшни Янгикуч, Дўстлик, Ҳабиб-Қаҳрамон, Узунқишлоқ, Истиқлол ва Янгиҳаёт маҳаллалари болаларининг ҳам қувончига сабаб бўлди. Боиси, спорт майдонида улар ҳам бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари мумкин. Тожикон маҳалласида ишга туширилган теннис кортида эса машғулотлар аллақачон бошлаб юборилган.

Қишлоқ йиғини ва унинг тасарруфидаги маҳаллаларда ободончилик ишлари ҳам намунали ташкил этилган. Ўтган йили ички кўчалар бўйларини кўкаламзорлаштириш учун ўн минг тупга яқин манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. 18 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, четларига гуллар экилди. Муҳими, бу ишларнинг барчаси ҳашар йўли билан амалга оширилди. Йиғин ҳудудидаги тўққизта қабристон деворлар билан ўралган, атрофига манзарали дарахтлар ўтқазилиб, йўлларига шағал ётқизилган. Янгикуч қишлоқ қабристонини ободонлаштириш учун саховатпеша инсонлар томонидан 2,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Телпакчинор туманнинг чегара ҳудудида жойлашган. Шу туфайли бу ерда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш профилактика нозирлари, посбонлар билан бирга маҳалла оқсоқоли ва фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, улардан баҳамжиҳат иш олиб боришни талаб этади. Ҳамкорликда тез-тез ўтказиб туриладиган рейдлар кўплаб қонунбузарлик ҳолатлари ва жиноий ҳаракатларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳа, инсон меҳнати орқали обрў-эътибор топади, эл назарига тушади. Ўктам Йўлдошевни ана шундай инсонлар қаторига қўйиш мумкин. Зеро, оқсоқолнинг мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида "Дўстлик" ордени билан мукофотланиши ана шундай фидокорона меҳнатига муносиб рағбат бўлди.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли».

Сирдарё вилояти



Оқолтин туманидаги Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида иккита маҳалла мавжуд. Ушбу маҳаллаларнинг обод бўлишида ҳомийлар ва йиғин фаолларининг ҳиссаси катта. Хусусан, Тўхмоқ ва Норқул номли фермер хўжаликлари ҳомийлигида ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктига "Дамас" русумли тез тиббий ёрдам машинаси ҳадя қилинди.

Айни пайтда маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракати билан сув қувурлари таъмирланиб, хонадонларни газлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

СУРАТДА: *Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раззоқ Аллаёров (чапда) котиб Аюбхон Ботиров билан иш устида.*

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Сўранг, жавоб бераміз!

Савол:

ЧЕГИРИЛГАН ИШ СОАТИ БЕЛГИЛАНАДИМИ?

Икки нафар фарзандим бор. Бири тўрт, иккинчиси икки ёшда. Шу ҳолда мен ўзим фаолият юритаётган муассаса маъмуриятидан чегирилган иш соатларини талаб қилишга ҳақлиманми?

Жавоб:

ИШ ВАҚТИ ЎТТИЗ БЕШ СОАТДАН ОШИРИЛМАЙДИ...

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 228-моддасига биноан, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аёллар меҳнатига ҳақ ҳар куни тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 229-моддасида қайд этилишича, ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Суддан сўнг...

Нафсинг ўзингга душман!

Бугунги ҳаётимизни транспорт воситаларисиз, айниқса енгил автомашиналарсиз тасаввур қилиш қийин. Лекин узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилувчи техника воситалари туфайли тани-жонимизга етаётган зарар ҳам кам эмас. Дунё бўйлаб ҳар сония, ҳар дақиқада юз бераётган йўл-транспорт ҳодисалари туфайли минглаб одамлар жабрланмоқда. Аслида ушбу мақолада йўл-транспорт ҳодисаларидан кўрилаётган талофатлар ҳақида эмас, бундай ҳодисаларнинг таҳлил қилиниши, айбдорга нисбатан қонуний жазо тайинланиши учун масъул бўлган шахснинг таъмагирлиги, аникроқ айтганда, жиноят хусусида сўз юритилади.

Воқеа тафсилоти қуйидагича: 2006 йилнинг 27 декабридан 28 декабрига ўтар кечаси тунги соат 3 атрофида Чирчиқ шаҳрининг Марказий хиёбонида Усмон Юсупов номли кўча бўйлаб "Тико" русумли, давлат рақами 11 U 6938 бўлган енгил автомашинани бошқариб кетаётган фуқаро Ш.Эргашев кўчанинг йўл қисмида беҳуш ётган 25-30 ёшлар чамасидаги бир йигитни босиб кетади. Автоулов жабрдийдани анча жойгача судраб кетиши оқибатида у шу ернинг ўзидаёқ жон таслим қилади (терговсуриштирув ишлари давомида жабрланувчининг исми-шарифи Ойбек Явкочов эканлиги аниқланган). Воқеа содир бўлган жойга етиб келган ИИБ ва йўл патрул хизмати ходимлари томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади. Махсус тиббий кўрикдан сўнг Ш.Эргашевнинг спиртли ичимлик ичмаганлиги маълум бўлади, у ишончнома қоғози орқали бошқариб юрган, аслида фуқаро Б.Эрмановга тегишли енгил автомашина техник эскпертиза ўтказиш учун жарима майдонига етказилади.

28 декабрь куни бу ҳодиса юзасидан жамланган барча ҳужжатлар Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғи тергов ишлари бўйича ўринбосари И.Сайдиновнинг ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 226-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари билан жиноят иши қўзғатиш ва тергов ишларини амалга ошириш хусусидаги дастхати ва имзоси билан Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши содир этилган жиноятларни тергов қилиш бўлинмаси бошлиғи Мирмухсум Мираҳмедовга топширилади. У шу куниёқ Ш.Эргашевни гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилади ва Янги йил байрамидан сўнг келишини тайинлаб, уни қўйиб юборади.

2007 йил 3 январь куни Ш.Эргашев М.Мираҳмедовнинг ҳузурига келади. Терговчи гап орасида "Жабрланувчининг қариндош-уруғлари даъво қилмаяпти. Лекин барибир жиноий жавобгарликка тортиласан. Хўш, ўзингнинг нима ҳаракатинг бор?" дея шаъма қилади. Эргашевнинг бироз пул билан келганини билгач, терговчи аввал бундай "юмуш"нинг ҳаражати анча-мунча бўлишини эринмай тушунтиради, лекин шундай бўлса-да, унинг (яъни Ш.Эргашевнинг) оилавий аҳволини ҳисобга олиб, ўша ҳаражатнинг ярмига "кўниши" мумкинлигини айтади. Шундай қилиб жиноят содир этганликда гумондор шахс ва ушбу жиноятга оид ҳолатларни ўрганиб таҳлил этиши ва қонуний хулосалаши лозим бўлган масъул шахс гапни бир жойга қўйишади: Ш.Эргашев М.Мираҳмедовга 1500 АҚШ доллари миқдорида пора берадиган бўлади. Бироқ уларнинг бу жиноятқорона олди-бердиси тезда амалга ошмайди, сабаби, Ш.Эргашев танишлари, қариндош-уруғларига зир югуриб ҳарчанд қарз-ҳавола кўтармасин, мўлжалдаги маблағни жамлай олмаётган эди. Бу орада терговчи бироз "инсоф"га келдими ёки ишнинг тез битишини ўйладими, ҳарҳолда белгиланган маблағ миқдорини бироз камайтирди: "1200 АҚШ доллари берасан, вассалом. Бу охирги сўз. Бундан ташқари, яна эллик қўшиб берасан, униси — чойхонада улфатлар билан ўтириш учун..."

2007 йил 18 январь куни Эргашев Мираҳмедовга телефон қилиб, айтилган маблағни тахт қилганини айтади. Мираҳмедовнинг хизмат хонасида учрашишга келишадилар. Эргашев келгач, терговчи унга ИИБ биносидан ташқарига чиқиб, кутишни тайинлайди. Эргашев айтилган жойда туради. Бироздан сўнг Мираҳмедов унга яқинлашиб, ёнатрофга олазарак боққанча "тинчми" деб сўрайди...

Хуллас, таъмагир терговчининг бу қилмиши фош бўлди. У жиноят устида ҳибса олинди. Чунки талаб қилинаётган маблағни жамлолмаган ва бу йўл билан жазодан қутулиш мушкуллигини англаган Эргашев Мираҳмедовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари хусусида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент вилояти бошқармасига мурожаат қилган эди...

Ш.Эргашев йўл-транспорт ҳодисаси содир этганлиги учун қонуний жавобгарликка тортилди. Ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилган, мулкий манфаат кўриш мақсадида суриштирув-тергов ишларини сохталаштиришга уринган терговчи ҳам жиноятини тан олиб, тавбасига таянди. Суд М.Мираҳмедовни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасига биноан етти йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Албатта, қонун ҳамиша устувор. Бундан ташқари, ҳар бир инсоннинг оиласи, фарзандлари, қолаверса, касбдошлари олдида бурчи, масъулияти бор. Ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиси деган номга доғ туширган бу кимсага нисбатан ҳамкасбларининг баҳоси қандай бўлади? Порахўрнинг тенгдошлари орасида юзи ерга қараб қолган уч фарзанди, маҳалла-кўй олдида иснодга қолган яқинлари унинг бу қилмишини қандай баҳолади экан? Энг ачинарлиси, у бу қилмиши билан кўп йиллик меҳнатини, ўз шаънини оловга ёқиб, кулини кўкка совурди. Қадим донишмандларидан бири "Эй инсон! Нафсингни тий, шунда ҳар қандай кулфат сендан йироқлашур!" дея хитоб қилган экан. Қарангки, бу даъват айни кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Инсон борки, қайси касб, қайси ҳунар соҳиби бўлишидан қатъи назар ўз фаолиятида ҳалолликни мезон билса, бу кўйга тушмаслиги аниқ. Зеро, ўз нафсини мағлуб этолган кишигина ҳаёт синовларида ғолиб бўлади.

Шуҳрат АКБАРОВ,
Тошкент вилояти прокуратураси Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

Дил изҳори

ИЛТИЖО

Дейдилар, бу дунё асли бир камдир,
Чўлда ўтин терган кекса — Ҳотамдир,
Гоҳи надоматдан кўзларда намдир,
Кўз ёшим номардга кўрсатма фақат!

Майли, муродимга етолмасам ҳам,
Ёки муродни тарк этолмасам ҳам,
Саодат қасрига кетолмасам ҳам,
Номардга юзимни сарғайтма фақат!

Аллоҳим, холисан этурман тоат,
Менинг маконимдур — сабру қаноат,
Ҳар қандай азобга қилурман тоқат,
Номардга юзимни сарғайтма фақат!

Мирза ҚАЙНАРОВ

Мозийдан мерос иншоотлар

МИНОРАИ КАЛОН қаршисидаги обида

у масжид, мадраса ва хилхона сифатида маълум ва машҳур

Шайх Абдулла шарафига бунёд этилган Мир Араб мадрасаси 1530-1536 йиллар давомида Бухоро хони Убайдуллахон иниъом этган маблағ ҳисобидан қурилган. Асл исми Сайид Абдуллоҳ бўлган Мир Араб 22 ёшида Ямандан Самарқандга келиб, Хожа Аҳрор-га шогирд тушган. Кейинроқ Сайрамга бориб, у ерда ободончилик ишларига бош-қош бўлган. Мир Араб шаҳардан бир чақирим масофада коризлар қаздириб, сув чиқарган ва қўплаб боғ-роғлар барпо эттирган. Коризларни сақлаш ва қўриқлаш учун махсус қўрғонлар қурдирган. Шу каби хайрли ишларини Шофиркон, Вобкент ва Ғиждувонда ҳам давом эттириб, тасаввуфнинг Нақшбандия тариқати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган.

Мир Араб 1536 йилнинг бошида вафот этади. Бу пайтда ҳали мадраса қурилиши ниҳоясига етказилмаган эди. Унинг васиятига кўра, қурилиш ишларини куёви Шайх Закариё охирига етказади. Мир Араб мадрасаси Минораи Калоннинг қаршисида жойлашган бўлиб, бино Марказий Осиё диний мактаблари қурилишига хос анъанавий шарқона тарҳ асосида бунёд этилган. Мадрасага ҳашаматли, баланд пештоқдан кирилади.

Обидада улкан пештоқли миёнсарой, икки ёнида баланд гумбазли кенг дарсхона, масжид ва гўрхона жойлашган. Деворлардаги кошинкор нақшлар арабий ёзувлар билан уйғунлашган. Гўрхона ичи гумбазости боғали, қалқонсимон муқарнасли, шипи ва деворлари эса ганч ўймакорлиги намуналари билан безатилган. Гўрхонада Убайдуллахоннинг ёғочдан ҳотамкори усулида ишланган сағанаси, Мир Араб ва қариндошларининг қабрлари бор. Тўртбурчак шаклдаги мадраса ҳовлиси атрофини икки ошёнли 114 та ҳужра ўраб туради. Томонлар ўртасидаги тўртта баланд пештоқли дарсхона-айвон бино маҳобатини янада оширади. Гумбазли даҳлизнинг ён томонларида катта хоналар бор. Жануб томонда жойлашган хона масжид учун мўлжалланган. Мадраса биноси бурчакларидаги буржлар гулдаста шаклида ишланган. Ҳужраларга кириладиган равоқли эшиклар, қиррали ва оддий токчалар, мураккаб гумбазлар мадраса архитектурасини мукаммаллаштирган. Мадрасадаги катта хоналарнинг ичи, жумладан, шиплардаги тўртта тоқи борган сари кичиклашадиган қалқонсимон ироқиларга туташиб кетган. Ҳужра



ва хоналар, мақбара ўймакор ганч ҳамда сиркор парчинлар билан безатилган. Бир пайтлар ранг-баранг сиркор парчинлар бинога кўрк ва салобат бағишлаб турган. Буни ҳозиргача сақланиб қолган айрим парчалардаги нафис ва нозик ишланган нақшлардан ҳам билиб олиш мумкин. Дастлабки қиёфаси сақланиб қолган жанубий пештоққа ишланган нақшлар орасида юлдузсимон безаклар ҳам учрайди.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Мир Араб мадрасасининг пойдевори чуқур қилиниб, тоғ тошлари билан мустаҳкамланган, қор, ёмғир сувини қочириш учун махсус тазар(ғиштин ариқ)лар ишланган. Бу ариқлар орқали сув шаҳар қўрғонидан ташқарига чиқарилган. Йиллар ўтиши билан мадраса биносининг айрим жойлари турли сабабларга кўра шикастланган. Хусусан, мадраса пештоқи ва гумбазларидаги тўкилиб кетган кошинкори нақш ва ёзувлар қайта тикланди. Айниқса, Бухоронинг 2500 йиллиги арафасида мадраса биноси бухоролик тажрибали усталар томонидан тўлиқ таъмирланди.

Мир Араб мадрасаси ўз даврининг нуфузли ўқув даргоҳи ҳисобланган. Давлат ва жамоат арбоби, адабиётшунос олим Абдурауф Фитрат, етук мутафаккир ва маърифатпарвар Аҳмад Дониш, тарихнавислардан Мирзо Абдулазим Сомий, Мирзо Салимбек, Муҳаммад Шариф Садр Зиё, шоир ва мударрис Мулло Абдураҳмон Тамкин, шоир, ҳаким ва машҳур сайёҳ Мирзо Сирожиддин, тарихчи олим, профессор Мусожон Саиджонов сингари ўнлаб зиёлилар Мир Араб мадрасасида сабоқ олган. Айни пайтда ушбу мадраса биноси Ўзбекистон Мусулмонлари идораси тасарруфида.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунларда ҳамма ишларингизни олдиндан режалаштириб, кейин амалга оширинг. Жума куни малака ошириш учун қулай имконият юзага келади.

СИГИР(22.04-20.05)
Молиявий аҳволингиз яхшиланган бўлса-да, маблағингиз ҳамма харажатларингиз учун етарли бўлмаслиги мумкин. Шу боис айрим нарсалар харидини кейинроққа қолдиринг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда йўлдаги салоҳиятингизни оширишга алоҳида эътибор қаратинг. Айниқса, зимма-нгиздаги вазифаларга янада масъулиятлироқ ёндашинг.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Оилангизда юзага келадиган вазият шу кунларда кайфиятингизга бироз ёмон таъсир қилиши мумкин. Бироқ бу ҳолат тез орада ўтиб кетади.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Айни кунларда уй юмушларига кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қилинг. Шанба кунида эса хизмат сафарига чиқишингиз эҳтимоли бор.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Асабингизни кўп ҳам толиқтирмасдан шу кунларда бироз дам олганингиз маъқул. Негаки, бу меҳнатингиз самарадорлигига ҳам катта таъсир кўрсатади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Мазкур бурж вакиллари учун ҳафта одатдагидек ўтади. Фақат Пайшанба куни юзага келадиган вазият сиздан бироз хушёр бўлишни талаб этади.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Шу кунларда моддий жиҳатдан бироз қийинчиликларга дуч келишингиз эҳтимолдан холи эмас. Дам олиш кунларини фарзандлар тарбиясига бағишланг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда атрофингиздаги миш-мишларга эътибор бермасликка ҳаракат қилинг. Кўпроқ вақ-тингизни ўз устингиздаги ишлашга сарфланг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Омад кўпинча сиз тарафда бўлишига ҳафта давомида амин бўласиз. Якшанбада яқинларингиз ҳолидан хабар олишни унутманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Фаолиятда юзага келиши мумкин бўлган чиғалликлар сизни толиқтириб қўймаслиги учун ишингизга масъулиятлироқ ёндашишга одатланинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳаёлпарастлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигига шу кунларда яна бир бор амин бўласиз. Ундан кўра, аниқ режа асосида иш қилишни касб қилганингиз маъқул.

Она замин неъматлари ҳар танга қувватдир



Билиб қўйган яхши!

ХУРМО — 101 ДАРДГА ДАВО

"Қизиқарли биология" ва бошқа табиат илмига оид китоблар муаллифи, биолог олим Ғайбулла Шерматовнинг илмий лабораториядаги таҳлилига кўра, ушбу мўъжизавий меванинг таркибида инсон организми учун энг зарур бўлган каротин, минерал тузлар, 25 фоизгача қанд, пектин моддалари, қисман ёғ мавжуд.

Шунингдек, киши организмининг турли юқумли касалликларга чидамлилигини мустаҳкамловчи С витамини, бўй ўстирувчи, асабни танчлантирувчи хусусиятга эга В1, моддалар алмашинуви, марказий асаб тизими, қон айланиши ва жигар фаолиятини яхшиловчи В2 витаминларидан ташқари, қон томирлари мўртлигининг олдини олиб, унинг деворларини мустаҳкамловчи РР моддалари мавжуд. Шу боисдан ҳам ота-боболаримиз хурмони "101 дардга даво", деб бежизга айтишмаган.

Тарихий маълумотларга қараганда, хурмо XIX аср бошларида Сурхондарё вилоятига келтирилган. Ҳозирда хурмонинг ўнлаб янги навлари яратилган.

Хурмо шарбати ҳафақон, қувватсизлик хасталикларига қарши дармон бўлувчи ҳамда қон босими пасайганда уни меъёрга келтирувчи хусусиятга эга эканини кўпчилик билса керак.

Хурмонинг таркибида йод моддаси кўплиги боис ундан тўйиб истеъмол қилиш айниқса, болаларнинг соғлом ривожланиши учун жуда фойдали.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

Тўқилмаган ҳангома

ЎРАГА ...ҚАЙНОНА ТУШДИ, ГУЛДУР-ГУП!

Яхши қайнонанинг ўрни — уй тўрида, ёмонининг ўрни эса ...ўра тубида(ми?)!

Алишер билан Лобар бинойидек яшашади, иккови ҳам касбу корли: эр — ошпаз, хотин — сартарош. Бир қиз, бир ўғилни дуппа-дуруст катта қилишяпти. Худо иккисининг юлдузини юлдузига тўғри қилганми ёки беш йиллик турмуш давомида бир-бирига мослашиб кетишганми, ҳарҳолда, эр-хотиннинг "тиқ" этиб товуши чиққанини биров эшитган эмас. Лекин Лобарнинг онаси уларникига келиб қолса борми!..

Ана унда нафақат ёш оиланинг, балки ён-атрофдаги қўни-қўшниларнинг ҳам ҳаловати бузилади. Сабаби, Алишерга қайнона бўлмиш жуда баджаҳл, устига-устак бефаросатроқ аёл, каллаи саҳарлаб ёки кеч намозшомда келиб, ҳовлини бошига кўтарганча куёвига саннайверади:

— Ҳой куёв, капгир тутиб, қозон кавлашдан бошқа ҳунаринг ҳам борми сенинг? Ўзингни ўққа-чўққа урмасанг, бу нураган чордеворни ҳали-бери бут қилолмайсан-ку. Намунча шалпаймасанг! Ҳаҳ, эсизгина қизим-а! Кимлар олмас эди-я!..

Лобар онасини "босган" бўлади:

— Қўйсангиз-чи шу гапларни, ойи! Ҳеч қаеримиз нурамаган-ку...

Баланд овозда, бир текис "ёғилажак" танбеҳлар энди қиз бечорага аталади:

— Ўзи аслида сен аҳмоқсан. Эрни эр қилмадинг, аммамнинг бузоғи қилдинг. Буни эговламайсанми, хотинга ўхшаб. Нима, сени зебу зийнатларга кўмиб қўйдими ёки кийганинг атласу кимхобми? Ҳеч бўлмаса, битта машина миниб, дўст-душманимнинг олдидан бир ўтишга ярамади бунинг? Ана, данғиллаган уйим ҳангиллаб бўш ётибди, лаш-лушингни йиғиштириб олдимга туш. Икки кундан кейин эринг ҳам боради, қани бормай кўрсин-чи?..

Бу "куёвпарвар" қайнонанинг асл дарди — буларни икки кўча наридаги уйига кўчириб кетиш. Алишернинг ичкуёв бўлишга, айниқса, бунақа қайнона билан бақамти яшашга тоқати йўқ, албатта. Афтидан Лобар ҳам истамайди буни. Хуллас, кунда-кунора шу можаро туфайли қўни-қўшнининг ҳаловати бузилади. Алишер оғир-босиқ йигит эмасми, қайнонаси шунча шаллақилик қилса ҳам лом-мим демайди. Қўни-қўшнилардан ҳам ҳазил оҳангда узр сўраган бўлади:

— Бизнинг қайнона жуда меҳрибон-да, бизни бир кун кўрмаса, туролмайди...

Кимдир "Кўрмаса эмас, жанжал қилмаса туролмайди десангиз-чи!" дея очиқ дашном берса, кимдир ўз қайнонасини таърифлайди: "Вой, бунақа одамни энди кўришим. Мана, бизнинг қайнона шундай беозор, дуогўй, меҳрибон..."

Эшитишимизча, Лобарнинг опаси келин бўлиб тушган хонадон, айниқса, катта куёвнинг топиш-тутишию юриш-туриши ҳам «талабчан» қайнонанинг назоратида эмиш...

Хуллас, аҳвол шу даражага етдики, Алишернинг қайнонаси кўча бошида кўринди дегунча, эркагу аёл қулоғига пахта тиқиш тараддудига тушадиган бўлди. Шундай кунларнинг бирида ажабтовур воқеа юз берди.

Бир нечта хонадондан чиқадиган оқава сув қувури шундоққина Алишернинг ҳовлиси олдида кесишган экан. Шу қувур савил тешилиб қолса, денг. Қувур тезда ямалмаса, аҳвол чатоқ. Икки-уч эркак кун бўйи мўлжалдаги жойни кавлашди. Кечгача каттагина ўра ҳосил бўлди. Қувурни ямашни эртанги кунга қолдириб, ўранинг оғзига юпқароқ фанерни ташлаб қўйишди. Эртаси кун саҳарда...

Ола-тасир шовқиндан ҳамма уйғониб кетди: аввал нимадир қарсиллаб синди, кетидан нимадир қулади, бироздан кейин эса барчага яхши таниш товуш эгасининг узундан-узоқ қарғангани эшитилди. Бир зумда ҳамма ўра тепасида йиғилди. Алишер ва Лобар ҳам уйқусираган бир алпозда довдираб туришар эди. Буни қарангки, қизи билан куёви ишга кетиб қолмасидан "тарбиявий соат" ўтказишга саҳарлаб ошиқиб келган қайнона тонг гираширасида ўрани кўрмай, унга оёқ босиб юборибди. Тавба, ҳаммани, энг ёмони, ўз жигарбандларини безорижон қилган бу аёлнинг шу тобда ўрада тупроққа беланиб ўтиришида рамзий маъно бор эди гўё. Ҳарҳолда кўпчиликнинг хаёлидан ўтди шу фикр. Бир амаллаб ўрани қайнонадан "озод" этишди. Яхшиямки, ҳеч ери лат емабди, акс ҳолда ўрани кавлаганларнинг ҳолига вой бўлиши аниқ эди.

Мана, шу воқеа юз берганидан буён бир ҳафта муддат ўтди. Ҳозирча ўша таниш шовқин-сурон эшитилмаяпти. Наҳотки, бизнинг хаёлимизга келган ўй қайнонанинг ҳам хаёлидан ўтгану уни инсофга келтириб қўйган бўлса?! Ажаб эмас...

Мавлуда ҚОСИМОВА

Донолларнинг дурдона фикрлари...

Ёлғизлик ҳалокатга олиб келади. Зеро, инсон ўзига керакли нарсаларни фақат жамият ёрдамида қўлга киритиши мумкин.

ИБН СИНО

Хурматли одамнинг қандайлиги одатда унинг иши билан белгиланади. Бусиз унинг мақсадини билиб бўлмайди. Агар инсоннинг виждонини ва гўзалликка интилишларини бевосита кўриш мумкин бўлганда, бу одам бажараётган ишларисиз ҳам олижаноб саналаверарди.

АРАСТУ

Баъзилар бир умр сўзлайдилар-у, ҳеч нарса айтолмайдилар. Баъзилар эса бир умр сукутда бўладилар-у, аммо айтилмаган сўз қолмайди.

ЧЖУАН-ЦЗИ

Виждонли ва инсофсиз одамларни нафақат бажараётган амалларидан, балки хоҳиш-истакларидан ҳам билиб олиш мумкин.

ДЕМОКРИТ

Ихтиро

ХУРРАККА ҚАРШИ ЁСТИҚ

Немис олими Дариуш Базаргани хурракка қарши махсус компьютерлаштирилган ёстиқ ихтиро қилди. Яқинда мазкур ихтиро инсонлар саломатлигини сақлашга бағишлаб ўтказилган анжуманлардан бирида намойиш этилди.

Росток Университети профессори хурракка қарши қўйидаги усулни таклиф этган: махсус ёстиқ компьютерга уланади ва ухлаётган кишининг бош ҳолатини хуррак отишдан тўхтамагунича ўзгартиради. Ёстиқдаги ҳаво ҳам ана шунга қараб йўналтирилади. Одамларнинг осойишталикда ухлашини таъминловчи мазкур компьютернинг ҳажми унча катта бўлмаган китобдек келади.

Олимнинг бу ихтироси хурракни тўхтатишдан ташқари, тананинг бўйин қисмини уқалаш (массаж қилиш) хусусиятига ҳам эга. Базарганининг айтишича, унинг ўзи ҳам хуррак отар экан ва шу боис ушбу ёстиқни ихтиро қилган. Сабаби, ҳозирда мавжуд бўлган бошқа мосламалар бу борада унга ҳеч қандай ёрдам бермаган.



JVСдан ЯНГИ ТЕЛЕВИЗОР

Яқинда мазкур компания суюққристалли телевизор ишлаб чиқарди. Gizmodo сайтининг хабар беришича, янги маҳсулотнинг аввалгиларидан фарқли жиҳати шундаки, унинг асосий вазифаларини чапак чалиш ва бошқа қўл ҳаракатлари орқали бошқариш мумкин.

Хусусан, телевизор экранида менюни акс эттириш учун уч марта чапак чалиш лозим бўлади. Менюнинг бирор пунктини белгилаш учун эса бармоқ билан унинг йўналишини кўрсатиш керак. Томошабин томонидан берилган буйруқларни телевизорнинг юқори қисмига ўрнатилган махсус камера илғаб олади ва амалга оширади.

Бундай телевизор соҳиблари товушни ўзгартириш ёки бошқа каналга қўйиш каби вазифаларни ҳам чапаклар сони ёрдамида бажаришлари мумкин.

Ҳозирда мазкур телевизорнинг намунаси мавжуд бўлишига қарамай, компания уни сотув учун ишлаб чиқариш муддатини ҳали белгилагани йўқ.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 17 октябрь 42 (592)

11088 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-920 1 2 3 4 5 Топширилди — 22.40